

ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК
ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУКУҚИЙ ЖУРНАЛ

3
2022

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

МУНДАРИЖА:

Аббасов У.	<i>Янги Ўзбекистон инсон камолоти йўлида</i>	3
Назаров К.	<i>Мафқуравий фаолият ва ҳолатнинг амалга ошириш жараёни</i>	7
Сантқасимов А.	<i>Ижтимоий тараққиёт қонуниятлари амалиётида инновацияларнинг аҳамияти</i>	11
Махмудова Г.Т.	<i>XXI аср фалсафаси амалиёт синовида</i>	15
Исламходжаев Х.С.	<i>Административно – правовые отношения</i>	19
Тўраев Ш.	<i>Мафқуравий жараёнлар ва демократия</i>	24
Ўлжаева Ш.М.	<i>Амир Темур даврида қурултойларнинг ўрни ва роли</i>	27
Nosirxodjaeva G.A.	<i>Abi Rayhon Beruniy ijodida ilmiy tadqiqotning ma'naviy-axloqiy talablari masalalari</i>	32
Ахророва С.А.	<i>Ёшларни баркамол шахс сифатида тарбиялашда аёлларнинг роли</i>	35
Мирзахмедов А.М.	<i>Ўзбек халқи этномаданиятининг ривожига цивилизация парадигмалари</i>	40
Пардаева С.А.	<i>Бузғунчи ҳолатнинг турлари ва таснифлари</i>	44
Ташанов А.	<i>Сравнительный анализ конституционных норм в области охраны окружающей среды</i>	47
Гулимов А.Б.	<i>Десекуляризация жараёнининг ижтимоий-фалсафий таҳлили</i>	51
Мамаюсупов С.Д.	<i>Марказий Осиё давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари</i>	55
Абдувалиева М. А.	<i>Анализ развития международного и национального законодательства в сфере защиты прав лиц с инвалидностью</i>	59
Азизова М.	<i>Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар сиёсий иштирокнинг ҳолати ва истиқболлари</i>	63
Бурханов Х.М.	<i>Рақамли жамиятда миллий сегмент фаолиятини ривожлантириш масалалари</i>	67
Қодиров Н.Н.	<i>Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг институционал асосларининг шаклланиши</i>	71
Абдуллаева Д.	<i>Гендер муаммоларининг замонавий фалсафий концепциялари</i>	75
Юлдашев Р.	<i>Марказий Осиё ёшларининг таълим миграциясининг исжобий ва салбий томонлари</i>	78
Худайбердиева Х.	<i>Jadidlarning vatanparvarlik g'oyalari va ularning falsafiy talqimi</i>	82
Хандаров Р.Э.	<i>Инсон камолотини таъминлашда маънавий тизим: концептуал ёндашув</i>	85
Турсунов Л. Э.	<i>Фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ёшларда ҳуқуқий тизимни бартараф этишининг фалсафий масалалари</i>	89
Сайидов К.Б.	<i>Урбанизациясининг ҳудудий ва локал функциялари</i>	93
Халиков Ю. О.	<i>Бағрикенглик маданияти барқарорлик ва тинчлик омили</i>	97
Исламова Д.Х.	<i>Единство теории и практики в инновационной трансформации образовательного пространства</i>	101
Шамсиева В.	<i>Жамиятда инсон кадрини рўёбга чиқаришининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари</i>	104
Нурматова Ў.Ж.	<i>Мутлоқа -ўз-ўзини таъкиллаштирувчи синергетик феномен сифатида</i>	108
Шукурова Н.Х.	<i>Ёшларни аммавий маданият таҳдидларидан асрашининг маънавий амиллари</i>	112
Исроилова Ш.	<i>Адалат тушунчасининг ахлоқий ва ҳуқуқий хусусиятлари</i>	116
Каримова Н.	<i>Ёш оилаларда ажралишларни социологик таҳлил қилишининг назарий</i>	119

МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТ ВА ГОЯЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИШ ЖАРАЁНИ

Назаров К.

ф.ф.д. профессор

Гоялар фалсафасида "мафкуравий фаолият" тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай гоя ҳам ўз-ўзидан тарқалиб, кишилар онгига автоматик тарзда сингиб боравермайди. Муайян гоявий тамойиллар ва таълимотлар ишлаб чиқишлигининг ўзи уларнинг кишилар фаолиятини белгилаб берувчи, унга таъсир курсатувчи ижтимоий ҳодисага айланиши учун етарли эмас. Бунинг учун улар кишилар орасида тарқалиши, одамлар ана шу гоялар руҳида тарбияланиши лозим. Ақс ҳолда, ҳар қандай гоя ва мафкура қанчалик тўғри, жозибадор бўлмасин, муайян ҳодиса сифатида тарих сахифасида қолиб кетаверади. Айни пайтда, ҳар қандай гоя ва қарашлар тарқалиши учун, энг аввало, улар ишлаб чиқишлиши билан бирга, тарғиб ва ташвиқ этилиши зарур. Мафкуравий фаолият эса ҳаминша шаклланиган гоявий қарашлар, баҳолар ва мақсадлар тизимини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш борасидаги ишларни амалга ошириш жараёнини англатади.

Шу маънода, "Мафкуравий фаолият" тушунчаси бирон-бир гояни амалга ошириш, уни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, муайян гоявий қарашлар тизимини шакллантириш, унинг амалиётини таъминлаш, ёт ва бегона мафкураларга қарши кураш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ифодалайди. Айни пайтда, у гоявий қарашлар – бисимлар, баҳолар, мақсадларни шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш, гоявий тарбияни амалга ошириш, мафкуравий профилактика ва иммунитетни шакллантириш жараёнини ҳам англатади. Ҳар қандай ижтимоий фаолият шакли каби мафкуравий ишларнинг мазмуни ва мақсад-муддаолари ҳам ҳар бир даврнинг гоявий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий хусусиятларига ҳамроҳ ҳолда шаклланади.

Мафкуравий фаолият жараёнида кенг оммани эзгу гоялар асосида тарбиялаш, буш вақтларини самарали ва маънавий савиясини юксалтириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, "Мафкуравий фаолият" тушунчаси ўтказишга қўмақ берувчи тадбирларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим. "Мафкуравий фаолият" тушунчаси кенг маънода ўқув муассасалари, таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлар фаолиятини ҳам муайян даражада қамраб олади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасалар, шунингдек, ОАВ (газета-журналлар, Интернет, радио, ТВ) муҳим ўрин тутди. Мафкуравий ишлар муассасаларининг кенг тармоғининг ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви билан унга раҳбарлик қилиш жараёни ҳам мукамаллашиб борган. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбия, гоялар тарғиботи, иқтисодий билимларнинг илмий-техникавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва жисмоний тарбия, бадний хаваскорлик, маданий дам олишни ташкил этиш, ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мафкуравий ишларнинг турли йўналишларидир. Эзгулик ва меҳр-оқибат, улутворлик ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, бошқаларга ҳурмат ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш каби ҳислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишда сингдириб борилади.

Мафкуравий фаолият жараёнида ўқув ва клуб муассасаларида анъанавий шакллар (суҳбат, мулоқот, маъруза, спектакль, концертлар, шеърхонлик) билан бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва бошқа тадбирлар уюштирилади. Бу соҳадаги мутахассислар университет ва институтларда тайёрланади.

Мафкуравий фаолият ҳаминша конкрет тарихий мазмунга, мақсад-муддаога эга бўлади. Бу, энг аввало, инсон билимлари, шу жумладан, мафкуранинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Мафкура тизимидаги билимлар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион мазмунга эга бўлиши мумкин. Мафкура билимлар ўз навбатида улар асосида шаклланидиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яратади. Шаклланидиган баҳоларда эса реал ёки қутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб, ўзига хос муносабат ифодаланади. Билимлар қанчалик чуқур бўлса, ҳосил қилинган баҳоларга ишонч шунчалик юқори бўлади. Шу маънода, баҳолар – кадрлар кишиларда ишонч, эътиқоднинг шаклланишига хизмат қилади. Баъзида эришилган билимлар, уларга асосланган баҳоларнинг мутлақ тўғрилигига ишонч догматизмга айланиб кетишини, бу мафкуравий турғунликни юзага келтиришини ҳам унутмаслик зарур.

Мафкуравий фаолиятда ва гоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истикболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш ҳам кўзланади. Албатта, бундай ишонч у моҳиятга қўра, сароб бўлиши ҳам мумкин. Аммо у чуқур илмий асос ва гуманистик моҳиятга эга бўлган ҳамда жамият тараққиёти қонуниятлари билан ҳамроҳанглик касб этганда кишилар ҳулки ва фаолиятининг муҳим регулятори бўлиб хизмат қилади. Зеро, бундай пайтда ишонч кишилар қарашларидаги барқарорликни белгиловчи халқа сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан қўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўллариини излаш хизмат қилади, шу тўғрисида ҳуқуқдаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга йўл очади.

Мафкуравий фаолият гоявий қарашларни тарқатиш ва унга мос тарбияни амалга оширишни ҳам ифодалайди. Унга кўра, мафкуравий қарашларни тарқатиш тизими, механизмлари, усул ва воситалари доимий такомиллашиб боради, ҳар бир даврда конкрет характер касб этади. “Одамзод бахти учун ҳамма нарсадан воз кечинга ўргатадиган эзу гояларни кишиларга сингдириш буюк саноатдир”, деб ёзган эди француз ёзувчиси Стендаль. Шу нуқтан назардан кўра, мафкуравий фаолият гоявий тарбияни ўзгарувчан воқелик ва ижтимоий гуруҳларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни аниқлатади.

Шу билан бирга, мафкуравий фаолиятни ташкил этишда техника ва технологиялар, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш усулларининг ривожланганлик даражаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Хусусан, бугунги кундаги ва XX аср бошидаги мафкуравий фаолият ўртасида кескин фарқ борлиги шубҳасиз. Ҳозирги даврда ОАВ мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Яқин истиқболда техника ва технология ривож одамлар онгига таъсир ўтказиш, яъни мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг янгидан-янги механизмларини топишига ҳам шубҳа қилмас бўлади. Айтиш пайтда, фанлар ривож мафкуравий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш учун замин яратганини ҳам унутмаслик лозим.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар, мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий-тарихий белгиланганини кўрсатиш баробарида унинг ўзгарувчан характерга эга эканини ҳам билдиради. Ижтимоий жараёнларда мавжуд воқеа, ҳодиса, жараёнлар моҳияти, ривожланиш қонуниятларини англаб етмаслик, уларнинг назоратдан ташқарида бўлиши ва охир оқибатда қўтилмаган натижаларни келтириб чиқариши билан характерланувчи ва стихиялилик деб аталиши мумкин бўлган ҳолатлар қўллаб қўзатилади. Мафкуравий фаолият ҳам ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодиса бўлса-да, унга нисбатан “стихиялилик” тушунчасини ишлатиш бирмунча кийин. Зеро, мафкуравий фаолият аниқ онгли характерга эга бўлади. Гоявий қарашларни тарқатиш, мафкуравий тарбияни амалга ошириш эса аксарият ҳолларда тизимли ва тадрижий тарзда амалга оширилади. Онглилик деганда, кишиларнинг ижтимоий қонуниятларни тушунган, англаган ва унга асосланган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши тушунилишини илоҳотга оладиган бўлсак, бугунги кунда мафкуравий фаолият тобора онгли ва аниқ мақсадларга қаратилган ҳолда амалга оширилаётганини қайд қилиш зарур.

Мафкуравий фаолиятда тарғибот ва ташвиқот муҳим ўрин эгаллайди. “Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот” бирон-бир шахс, гуруҳ, миллат, жамият, ҳудуд халқларининг онги ва қалбига муайян гоя ва мафкуравий мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, амалиёти тўғрисидаги билимларни, уларга доир тушунча ва тамойилларни сингдиришга қаратилган тизимли фаолият ҳамда у билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнини ифодалайдиган тушунчадир. Шу билан бирга, бугунги кунда бу тушунча юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдиқларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий гоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбига эзу гояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини ҳам аниқлатади. Одамлар қалби ва онгида ана шундай инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятда олижаноб қиёметлар устувор бўлишида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот муҳим аҳамиятга эга.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот аслида таълим-тарбиянинг муҳим қўринишидир. “Тарғибот” атамасининг ўзагини “рағбат” сўзи ташкил этгани бос, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутди. “Ташвиқот” тушунчасининг ўзаги эса “шавқ” сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ, ишонч туйғуларини уйғотишга йўналтирилган. Демак, тарғибот-ташвиқотдан қўзланган асосий мақсад – нафақат билим орттириш, балки кишини бирор-бир ҳагги-ҳаракатга ундашдан иборат.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг икки аъёнвий йўли мавжуд. Биричиси – инсоний қиёметларни улуглаш, юксак маънавийли кишилар ҳаёти ва фаолиятини таърифлаш, уларни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечади. Иккинчи йўл эса иллатларни қоралаш, улардан ҳалос бўлишга даъват, тарғиб-ташвиқ орқали амалга ошади. Бу восита биричисига нисбатан самаралироқ. Шу сабабдан ҳам эришилган ютуқларни ҳодисона эътироф этиб, йўл қўйилган қамчиликлар танқидий нуқтан назардан баҳолашни лозим.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотда улуг аждодларимизнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бир ёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний ақс эттирмоғимиз даркор. Лекин, бунда фақат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмай, бугунги кун қаҳрамонлари, илгор замондошларимиздан ўрнак олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Токи, улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин. Чунки, тарғибот-ташвиқотда фақат ўтмишдан мисол келтириш билан чекланиб қолинса, бу – кечаги кун билан яшаш бўлади. Тарғибот-ташвиқот борасида эски даврдан қолган қуруқ, сийқаси чиққан ваъзхонликдан воз кечиш, юрт бугун бошидан кечираётган мураккаб ва машаққатли ҳаёт ҳақиқатига таяниб, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг замонавий, таъсирчан усул-усулларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу сабабдан ҳам тарғиботчилар, ижтимоий соҳа мутахассислари, илгор фикрли зиёдилар миллий гоянинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун нима, қандай тарғиб қилишни аниқ ва пухта тасаввур этмок, маънавий озик

нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тарика етказиш усулларини ишлаб чиқмоқ дариш. Маънавий озми-қўлишнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очик айтишунга қўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга интилишга рағбатлантирилади.

Ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-қўлиш бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, бола гўдаклигидан бирор эзгу фазилатга ўргатиладиган мажбур қилинмаса, юз-қўлини ювмаслик, катталар гапини бўлиш сингари қусурлар унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан ҳос бўлиб келган ақлиши, ота-онага ҳурмат, илм-маърифатга интилиш каби олижанон фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Мафқуравий тарғибот ва ташвиқот ишларида ҳар бир истеъдод ҳар бир йўналиш бўйича мутахассенлардан фойдаланиш керак. Шундагина ҳар бир кўрсатув, эшиттириш маъруза, маърифий тадбирлар мазмун-моҳияти билан одамлар қалби ва онгига етиб боради.

Мафқуравий тарғибот уткинчи, мавсумий ҳолга айланиб қолмаслиги ҳам лозим. Бугунги мураккаб маънавий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан апрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганлигини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, маънавий тажовузлар моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фақат ана шунда асосда аҳоли, айниқса, ёшларни ўз фикрига эга, маънавий тажовузларга қарши собит тура олишига қодир иродали, фидоий, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Тарғибот ишларини таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий инфорацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш жамият маънавий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат жамоат ташкилотлари ҳамда тарғиботчи-ташвиқотчилар учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш борадаги муҳим вазифалар таркибига киради. Мафқуравий тарғибот ва ташвиқотда кенг камровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилиш тақдирдагина қўзланган самарага эришиш мумкин.

Мафқуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини шу соҳанинг фаоллари, тарғиботчи-ташвиқотчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мафқура тарғиботчиси шу соҳадаги янгиликлар ва ахборотлар тарқатувчи, кишиларни муайян гоё ва гоёлар тизимига ҳос мақсад-муддаоларга етишиш, идеалларга эришиш даъват этувчи, ҳаётнинг барча соҳаларидаги илғор жараён ва воқеаларни мунтазам равишда таҳлил этиб, борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш бўйича хабар, маълумот, таклифларни оммага тарқатувчи шахсни ифодалайдиган тушунчадир. Мафқура тарғиботчиси, кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳи турли, яъни гоё ва мафқура масалалари билан шуғулланади, ижтимоий-сиёсий, гоёвий, ахлоқий кадриятлар тарғиб қилади. Тор маънода эса, у фаолияти маънавий, мафқура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган шахс англатади.

Мафқура тарғиботчиси илмийлик, конкретлик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ тамойилларга асосланиши, илмий, назарий, амалий-ташкилий жиҳатдан етук киши бўлиши лозим. У шун жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар манфаатларини ифода этиб, адолатли жамият қуриш ҳақидаги бунёдкор гоёларни омма орасида ёйиш, кишиларга маънавий, гоёвий-сиёсий таъсир кўрсати субъектидир. Мафқура тарғиботчиси ўзи англаган, ўрганган, юрагидан ўтказган, тўғрилигига ишонган маълумотларнинг серкирралиги, янгилиги билан аҳолини маънавий, гоёвий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларда фаолликка чорлайди.

Ҳозирги даврда ҳам ҳар бир маърифатли, виждонли инсон бузгунчи гоёлар таъсиринга қарши курашиш аҳолига бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамлар руҳини, онгу тафаккурини, умуман, маънавиятини ҳам қилиши зарур. Элга эзгу гоёларга асосланган тушунчаларни тарғиб қиладиган, аҳолига тарбия берадиган тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифатни тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга ошириш даъват этадиган муътабар жой – мактаблар ва уларда ишлайдиганлар ҳам мафқура тарғиботчиларидир. Юксак маънавий ёшлар онги ва қалбига сингиши, давлат ва жамият мақсад-муддаоларини жамоатчилик қўли қувватлашига эришмоқ учун тарғибот-ташвиқот узлуксиз бўлмоғи лозим.

Демак, мафқура тарғиботчиси “Авесто”даги “эзгу ниёт, эзгу сўз, эзгу амал” тамойилига мос иш бўлмоғи зарур. Мафқуравий тарғиботда ҳиссиётларга кучли таъсир қилиш, жозибалилик, ноанъанавий усулларни қўллаш, ошкоралик, миллий кадриятлар доирасидан чиқмаслик, оммабоп ва тушунарли ифода қўпроқ самара беради. Бугунги гоё мураккаб, таҳликали дунёда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш уларни миллий анъана ва кадриятларга ёт бўлган бузгунчи гоёлар, зарарли оқимлар таъсиридан асраш вазифаси мафқуравий тарғибот фаоллари билан бирга, бу соҳада фаолият юритадиган турли ташкилот муассасалар зиммасига улкан масъулият юклайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й. 6-сон*) www.lex.uz.

РЕЗИОМЕ:

Мақолада мафзуравий соҳада халқимиз томонидан яқин йилларда эришилган улкан ютуқ ва марралар учун асос бўлаётган ислохотлар ва янгиланишлар ўз аксини топган мулоҳазалар жой олган.

Калит сўзлар: ислохот, мафкура, стратегия, Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси

РЕЗИОМЕ:

В статье представлены аналитические взгляды на содержание понятия идеология, а также на то, что в идеологии отражены реформы и нововведения, лежащие в основе достижений нашего народа за последние годы.

Ключевые слова: реформа, идеология, стратегия, Новый Узбекистан, стратегия развития

RESUME:

The article contains analytical views on the content of the book "Development Strategy of New Uzbekistan" published by the President, as well as the fact that this book reflects the reforms and innovations that form the basis for the great achievements of our people in recent years.

Keywords: state, society, priorities, national experience, opportunities, people, reform, strategy.